

Мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича

ШАРТНОМА № 35

2022 йил « 11 » ноябр

Риштон шаҳри.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси номидан раҳбар С.Ҳайдаров (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи «Зохидон Зиёнур»МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар У.Ҳакимов иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан Риштон тумани Жалаер МФЙ.худудида жойлашган «Исмоил бува» қабристонни атроф деворларини мукаммал таъмирлаш ишларини лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятларини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган мукаммал таъмирлаш ишлари қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда *жами 1 142 835 631, 77(бир миллиард бир юз қирқ икки миллион саккиз юз ўттиз беш минг олти юз ўттиз бир) сўм 77 тийинни* ташкил этади.

2.2 Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» нинг келишувига асосан мазкур шартномага қўшимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишларни қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2 «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий сўммасини 15% миқдорда аванс тўловини пудратчи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1 «Буюртмачи» томонидан олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой муддатда тўлиқ яқунланиши керак.

4.2 «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрларни талабларга мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3 «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техник хавфсизлигини, меҳнат муҳофазасини ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятларини олади.

5.2 «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажариладиган ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га таъмирлаш ишларини бажариш ишлари учун зарур шароитлар яратиб белгиланади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4 Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва 10 кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан 10 кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1 Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2 Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш белгиланган муддатларда бошланмаса ва якунланмаса «Пудратчи» бажарилмаган ишлар қийматини 0.05 % миқдорида ҳар бир муддатда утган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар қийматини 50% и дан ошмаслиги керак.

6.3 «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган сўммани 0.04% и миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий сўммаси ўтказиб берилмаган маблағлар сўммасини 50% и дан ошмаслиги керак.

6.4 Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришда озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари, уруш оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгиб бўлмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 Ушбу шартномани бажариш ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар ва энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади,

ўзаро келишилмаса хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

8.2 Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатдан илгани бекор қилиш мумкин.

8.3 Ушу шартнома 2022 йил «11» ноябрдан 2022 йил «31» декабргача тузилади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бўлинимасида руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

IX.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тامينлайди;бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочишлик томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.

9.2 Коррупцияга қарши кураш қондалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахс (электрон почта орқали)ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

9.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупция хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупция ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

9.4 Буюртмачига бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақани расмийлаштириш санаси “Буюртмачи” томонидан жорий таъмирлаш ишларини қабул қилиш куни ҳисобланади.

9.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«Зоҳидон Зиёноур»МЧЖ

Манзил:Риштон тумани

Тел/факс:

х/р:20208000905535094001

Банк номи:Микрокредитбанк Риштон

МФО:00520

ИНН:309617782



Раҳбар

У.Ҳақимов

«БУЮРТМАЧИ»

Риштон туман ободонлаштириш
бошқармаси

Манзил: Риштон.ш Рошидоний-6 уй

Тел/факс 8373-45-21-141

ШХҒ 401722860302247065400110001

Ягона ғазна ҳисоб варағи

Х/Р:23402000300100001010

СТИРи 205014939

ОҚОНХ:90211

Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ

МФО 00014



Раҳбар

С.Ҳайдаров

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

IJ4455564802

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **jami 1 142 835 631, 77(bir milliard bir yuz qirq ikki million sakkiz yuz o`ttiz besh ming olti yuz o`ttiz bir) so`m 77 tiyinlik pudrat shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Rishton tumani obodonlashtirish bo'limi tomonidan 11.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.09.2018 yilgi "Davlat haridlari to'g'risida" gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 3953-sonli qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Budget kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Rishton tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



M.B.UMAROV

16.11.2022